ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги
“Дипломатик сервис хизмати” ДМ
бош директори

_____ О. Эгамбердиев

2026 йил “____” сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” ДМда ўтказилган

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ №3

2026 йил 22 сентябрь Тошкент шаҳри

Йиғилиш раиси: Бош директор О.Эгамбердиев.
Иштирок этдилар: Дипломатик сервис хизмати ходимлари.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2026 йил 21 сентябрьдаги «Меҳнат соҳасида хавфсиз ва хурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-345-сонли Қарори** талабларини Дипсервис хизмати ходимларига етказиш, меҳнат соҳасида ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, хавфсиз, ҳурматга асосланган ва камситишдан ҳоли иш муҳитини таъминлаш, тазйиқ, зўравонлик ва шу мақсадда хизмат мавқеини суистеъмол қилиш ҳолатларининг (workplace harassment) олдини олиш, бундай ҳолатлар юзасидан мурожаатларни холис, тезкор ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка асосан кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилишда Қарор мазмун-моҳияти ва унда белгиланган вазифалар Дипсервис хизматининг барча ходимларига етказилди.

Йиғилишда Дипсервис хизматида барча ходимларнинг шаъни, қадр-қиммати ва қонуний манфаатлари ҳурмат қилинадиган, хавфсиз, ҳурматга асосланган ва камситишдан холи иш муҳити таъминланиши, ушбу талаблар ходимнинг лавозими, хизмат мавқеи, иш стажи ва меҳнат муносабатларининг шаклидан қатъий назар қўлланилиши таъкидланди.

Ходимлар Дипсервис хизматида меҳнат соҳасида тазйиқ ва зўравонликнинг ҳар қандай шаклига йўл қўйилмаслиги, ҳеч бир ходим

талабларни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмаслиги ҳақида оголантирилдилар.

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ҳамда жараён иштирокчиларини ҳимоя қилиш учун Дипсервис хизмати бош директориниг буйруғи билан масъул ходим белгиланиши, ушбу масъул ходимга вазифаларни амалга ошириш учун зарур ташкилий шароитлар яратилиши белгиланди.

Дипсервис хизмати ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга эканликлари ҳақида хабардор қилиндилар:

- хавфсиз ва шахсий қадр-қиммати ҳурмат қилинадиган иш муҳитида меҳнат қилиш;
- тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ёки унинг хавфи юзага келганда эркин мурожаат қилиш;
- мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида шахсга доир маълумотларининг махфий сақланишини ва таъқиб ҳамда босимдан ҳимоя қилиниши;
- мурожаатни кўриб чиқиш натижалари ва қўлланилган ҳимоя чоралари ҳақида ахборот олиш.

Йиғилишда ходимлар тазйиқ ва зўравонлик ҳолати бўйича мурожаат жабрланган шахс, бошқа ходим, гувоҳ ёки ҳолат ҳақида маълумотга эга бўлган шахс томонидан очиқ, махфий ёки аноним шаклда берилиши мумкинлиги, мурожаат ёзма, электрон шаклда, масъул ходимга бевосита ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа усулларда берилиши мумкинлиги, мурожаат бериш муддати чекланмагани, бироқ айбдор шахсни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи қонунчиликда белгиланган муддатлар доирасида ҳал этилиши ҳақида хабардор қилиндилар.

Йиғилиш раиси томонидан «Хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳити» ахборот портали жорий этиш вазифаси топширилди.

Барча ходимлар Дипсервис хизматида тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида мазкур Қоидалар, тақиқланган хатти-ҳаракатлар ва мурожаат қилиш ҳамда ҳимоя механизмлари, тегишли ўқув ва қисқа муддатли тренингларда иштирок этишлари, шунингдек Меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш тўғрисида ходимлар имзо чеккан ҳолда таништирилиши ҳақида хабардор қилиндилар.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2026 йил 21 сентябрьдаги “Меҳнат соҳасида хавфсиз ва хурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-345-сонли Қарори** ижро учун қабул

қилинсин ҳамда унинг талабларига Дипломатик сервис хизмати ходимлари томонидан қатъий риоя қилиниши таъминлансин.

2. Дипсервис ходимлари "Меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш тўғрисида" **эслатма билан имзо чеккан ҳолда таништирилсин.**

3. Дипсервис хизматида Меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича **масъул ходим тайинлансин**.

4. "Хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳити" **ахборот портали жорий этилсин** ҳамда барча мурожаатлар мазкур порталда рўйхатдан ўтказилиши таъминлансин.

5. Мазкур йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича ходимларга берилган тушунтиришлар маълумот учун қабул қилинсин ва келгуси хизмат фаолиятида ижро учун асос қилиб олинсин.

6. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш Инсон ресурсларини бошқариш бўлими бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби **М. Тўлқунова**